XALQ DEPUTATLARI ZAFAROBOD TUMAN KENGASHI QARORI

2021 - yil 23 - dekabr VI-39-155-3-50-K/21 Zafarobod tuman hokimligi

Зафаробод туманида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар ҳамда мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар учун 2022 йилга белгиланган базавий солиқ ставкаси асосида ер солиғи ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги ПФ-6121-сонли “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429-моддаси ҳамда 437-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-, 24-моддаларига асосан 2022 йил учун Зафаробод туманида белгиланган базавий солиқ ставкаси асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахсларни мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар учун 2022 йилга ер солиғи ставкаларини тасдиқлаш бўйича халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429-моддасига мувофиқ Зафаробод тумани учун белгиланган базавий солиқ ставкаси асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 437-моддасига мувофиқ мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар бўйича (бундан

деҳқон хўжалигини юритиш мақсадида берилган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар мустасно) мутлақ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Бунда, халқ депутатлари туман Кенгаши, юқорида 1-2-иловалар билан белгиланган солиқ ставкаларига 0,7 дан 3,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқига эгалиги кўрсатиб ўтилсин.

4. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ.Ризаев, туман ҳокимлиги молия бўлими (З.Луқмонов), туман солиқ инспекцияси (А.Исломов)ларга 2022 йилдаги бюджет-солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар, солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

5. Мазкур қарор “Зафар йўлидан” газетасида расман эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг zafarobod.jizzax.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Қарор 2022 йил 1 январдан бошлаб кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича” доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ.Ризаев зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Н.Раджапов**

Халқ депутатлари Зафаробод
туман Кенгашининг
2021 йил 23 декабрдаги
VI-39-155-3-50-K/21-сон қарорига
1-илова

Қишлоқ хўжалигига мўлажалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар

Т/Р	**Ҳудудлар**	**Коефицент (0,7 дан 3,0 гача)**	**Ер солиғининг ставкаси 2022 йил учун (млн.сўмда)**
1	Бўстон МФЙ	0,85	24,65
2	Самарқанд МФЙ	0,85	24,65
3	Узун ҚФЙ	0,80	23,2
4	Бирлик ҚФЙ	0,80	23,2
5	Ёрқин ШФЙ	0,80	23,2
6	Нурафшон ШФЙ	0,75	21,75
7	Писталикент ШФЙ	0,75	21,75
8	Лолазор ҚФЙ	0,70	20,3
9	Чимқўрғон ҚФЙ	0,70	20,3
10	Чўлигулистон ҚФЙ	0,70	20,3

Халқ депутатлари Зафаробод
туман Кенгашининг
2021 йил 23 декабрдаги
VI-39-155-3-50-K/21-сон қарорига
2-илова

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлақ миқдорда 1 кв.метр учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар

Т/Р	**Ҳудудлар**	**Коефицент (0,7 дан 3,0 гача)**	**Ер солиғининг ставкаси 2022 йил учун (сўмда)**
1	Бўстон МФЙ	0,85	221,0
2	Самарқанд МФЙ	0,85	221,0
3	Узун ҚФЙ	0,80	208,0
4	Бирлик ҚФЙ	0,80	208,0
5	Ёрқин ШФЙ	0,80	208,0
6	Нурафшон ШФЙ	0,75	195,0
7	Писталикент ШФЙ	0,75	195,0
8	Лолазор ҚФЙ	0,70	182,0
9	Чимқўрғон ҚФЙ	0,70	182,0
10	Чўлигулистон ҚФЙ	0,70	182,0